



THE GENESIS OF SOCIAL CONFLICTS AND THEIR FORMS OF MANIFESTATION

Sharofiddin Shamshurovich Khasanov

Doctor of Philosophy (PhD), Associate Professor,
Deputy Head of the Faculty of Administrative and Organizational Activities,
Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Social conflicts, confrontation, social clash, opponents, incident, conflict escalation, climax, antagonistic conflicts, internal conflicts, ethnic conflicts, recent conflicts, dispute.

Received: 12.09.25

Accepted: 13.09.25

Published: 14.09.25

Abstract: The article analyzes social conflicts within social groups, the education system, the state, social parties, historical communities, societies, and civilizations. It explores various types of conflicts such as internal and external, primary and secondary, significant and insignificant, antagonistic and non-antagonistic, as well as their characteristics.

ИЖТИМОЙ ЗИДДИЯТЛАРНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА УЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

Шарофиддин Шамшурович Хасанов

фалсафа доктори (PhD), доцент
Маъмурий-ташкилий фаолияти факультети бошлиғи ўринбосари
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ижтимоий зиддиятлар, тўқнашув, ижтимоий тўқнашув, муҳолифлар, инцидент, можаро эскаляцияси, кульминация, антагонистик зиддиятлар, ички зиддиятлар, этник зиддиятлар, сўнгги зиддиятлар, можаро.

Аннотация: Мақолада ижтимоий зиддиятлар ижтимоий гуруҳлар, таълим тизими, давлат, ижтимоий партиялар, тарихий жамоалар, жамиятлар ва цивилизациялардаги низоларни, ички ва ташқи, бош ва иккинчи даражали, муҳим ва номуҳим, антагонистик ва ноантагонистик каби турлар ва уларни жиҳатлари таҳлил қилинган.

ГЕНЕЗИС СОЦИАЛЬНЫХ КОНФЛИКТОВ И ФОРМЫ ИХ ПРОЯВЛЕНИЯ

Шарофиддин Шамшурович Хасанов

доктор философии (PhD), доцент

заместитель начальника факультета административно-организационной деятельности,
Академия Министерства внутренних дел Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: Социальные конфликты, противостояние, столкновение, оппоненты, эскалация конфликта, антагонистические внутренние конфликты, конфликты, недавние конфликты, спор.</p>	<p>Аннотация: В статье проанализированы социальные конфликты в рамках социальных групп, системы образования, государства, социальных партий, исторических сообществ, обществ и цивилизаций. Рассматриваются различные типы конфликтов: внутренние и внешние, первичные и вторичные, важные и незначительные, антагонистические и неантагонистические, а также их характеристики.</p>
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Долзарблиги: Замонавий давринг ўзига хос хусусиятларидан бири ижтимоий зиддият инсоният тарихининг ажралмас жараёнларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий зиддиятларнинг ечимини топиш учун бутун дунёда жамиятшунослар, конфликтологлар, ҳуқуқшунослар ижтимоий зиддиятларнинг ечимини топиш, уларни бартараф этиш йўллари изламоқдалар. Бироқ, бу билан муаммонинг чуқур назарий асосларини англаш имкони бўлмапти. Шу сабабли, ижтимоий зиддиятлар масаласига ижтимоий-ижтимоий жиҳатдан ҳам эътибор қаратиш лозимлиги, масала тартибга солинишининг таҳлили сифатида ёритилган ва тавсифланган.

Муаммонинг баёни: Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ижтимоий зиддиятларни ўрганиш ва ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан мукамал концепциясини яратиш муаммоси ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолмоқда. Бошқача қилиб айтганда, энг аввало ижтимоий зиддиятнинг мазмун-моҳиятини кенг равишда тасаввур қилиш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади: Бугунги кунда аксарият ижтимоий-гуманитар олимлар томонидан ижтимоий зиддиятлар муаммосини ўрганиш шунчаки оддий бир ҳодиса эмас, балки бутун инсониятнинг янги асрда тирик қолиши шартли сифатида қаралмоқда. Шу маънода жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, Ўзбекистонда ҳам ижтимоий зиддиятлар узок ўтмиш тарихи, манбаларини таҳлил қилган ҳолда келажакда мамлакатимизда шу бугунгидек осойишталикни таъминлаш нуқтаи назаридан, Ўзбекистонда носоғлом ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш борасидаги ишларни изчил давом эттириш долзарб муаммолардан бири саналади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тизимлилик, муаммовий-мақсадли, киёсий-таҳлил, тизимли ва мантиқий ёндашув, синтез, юридик-техник, эмпирик материал,

статистик маълумотлар таҳлили ва башорат қилиш каби махсус илмий услублардан фойдаланилди.

Натижалар ва асосий хулосалар: Хулоса қилдиган бўлсак, бугунги кунда аксарият ижтимоий-гуманитар соҳа олимлари томонидан ижтимоий зиддиятлар муаммосини ўрганиш шунчаки оддий бир ҳодиса эмас, балки бутун инсониятнинг янги асрда тирик қолиши шартли сифатида қаралмоқда. Инсоният ҳаётига хавф солувчи ҳодисаларидан бўлган ва тобора шафқатсиз тус олаётган чеки йўқ урушлар ва ижтимоий зиддиятлар, “XXI аср вабоси” деб ном олган террорчилик, жамиятда турли хил “фобия”ларнинг кенг тарқалиши, ҳар бир индивидуал онгнинг зарарли стереотипларга мойиллиги жамият ва инсон ҳаётида мавжуд зиддиятларнинг мазмунини чуқурроқ тушуниб етиш лозимлигини кўрсатмоқда.

XXI аср инсоният цивилизацияси ўсишининг шиддат билан бошланиши, маданият ва фаровонликнинг юксалиши, дунёнинг уйғунлашуви ва инсонлараро ҳамкорликнинг кучайиши асри бўлса-да, уруш, ижтимоий тўқнашувлар, ижтимоий инқирозлар каби салбий иллатларнинг камайишига бўлган умидларни оқламади. Қонунлар адолатли бўлмади, ҳукмдорлар давлат бошқарувида донорок, халқлар эса бағрикенгликроқ бўла олмадилар. Инсоният олдида ўз хатти-харакатларини тушуниб етиш ва ўз устидан назорат ўрната олиш, жамиятда тинчлик ва тотувликда яшашни ўрганиш ёхуд ҳалокатли тўқнашувларда “куйиб кул бўлиш”дек дилемма ёки муаммоли савол пайдо бўлди.

Зиддиятларга тўла бу дунёда қандай қилиб тўғри қарор қабул қилган ҳолда, талафот ва йўқотишларсиз муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш мумкин? Бу саволга кўплаб тарихчи, социолог, сиёсатшунос, психолог, педагог ва ҳуқуқшунослар жавоб қидиришган. Аммо ҳанузгача низо-зиддиятларни бошқариш ва тинчликни сақлаб қолишнинг универсал формуласи топилмаган.

Шу сабабли ижтимоий зиддиятларни ўрганиш ва ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан мукамал концепциясини яратиш муаммоси сақланиб қолмоқда.

“Зиддият” сўзи XIX асрда лотин тилидан кириб келган бўлиб “Конфликтус”- “тўқнашув” деган маънони англатади. Зиддият сўзини ишлатмасдан яшаш мумкин, лекин зиддиятга киришмасдан яшаш мумкин эмас. Балки келишмовчилик, тўқнашув, курашиш, можаро ва шу каби сўзларни барчасини умумлаштириш мақсадида бу сўз ишлатилса ажабмас. Орамизда бирор марта зиддиятга тушмаган инсон бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам «агар сизнинг ҳаётингизда зиддият бўлмаса томирингиз уришини текшириб кўринг» деган ибора ишлатилади. Бунинг хулосаси эса зиддият - бу ҳаётимиздаги воқеа-ҳодиса сингари оддий ҳолдир. Бундан ташқари агар оилада , ишхонада ёки давлатда

зиддиятлар бўлмаса, бу айнан шу ерда тинч осойишта ҳаётда ўсиш, ривожланиши тўхтаганлигини билдиради. Шунинг учун бу зиддиятларни ўрганиш ва уни юзага келганда бартараф этиш кераклиги ва ҳаётимизни равнақига унинг салбий таъсирини ўтказмаслигига ҳаракат қилиш керак.

Ижтимоий зиддиятлар ижтимоий гуруҳлар, таълим тизими, давлат, ижтимоий партиялар, тарихий жамоалар, жамиятлар ва цивилизациялардаги низоларни ўрганади.

Ижтимоий зиддият объекти - жамият ҳаётининг ижтимоий ижтимоий жабҳаларида турли хил кўринишдаги ижтимоий зиддиятлар ва тўқнашувлардир. Предмети эса – жамият ва давлат ижтимоий ҳаётидаги ижтимоий зиддиятларнинг табиати, сабаблари, механизмларини ўрганиш ва уларни олдини олиш, аниқлаш, кузатиш ва ҳал қилиш ёки ҳал қилиш учун технологияларни ишлаб чиқишдир.

Замонавий зиддиятшуносликда “тўқнашув “ ва “ижтимоий тўқнашув” тушунчаларига нисбатан бир хил таъриф мавжуд эмас. Бу масаланинг моҳияти хусусида олимлар ўртасида яқдилликнинг йўқлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари адабиётларда кўп ҳолларда “тўқнашув” ва “ижтимоий тўқнашув” тушунчалари синоним сифатида ишлатилади. Қуйида бу борада кенг тарқалган таърифларни келтирамиз:

“Тўқнашув – объектив (яширин) ва субъектив (аниқ) қарама-қаршиликлар орқали ифодаланадиган элементларнинг ҳар қандай алоқаси ”.

“Тўқнашувлар – одамларнинг жамиятдаги ўзаро ҳамкорлиги, ижтимоий борлиқнинг ўзига хос хужайраси, ижтимоий ҳаракатларнинг потенциал ёки фаол субъектлари ўртасидаги муносабатлар шаклидир. Уларнинг мотивацияси қарама-қарши қадрият, манфаат ва эҳтиёжлар

билан боғлиқ” .

“Тўқнашув ўзаро муносабатлар жараёнида юзага келадиган қарама-қаршиликларни бартараф этишнинг кескин усули бўлиб, одатда низолашувчи томонларнинг салбий ҳис-туйғуларини ҳам қамраб олади”.

“Тўқнашув – ўткир ҳис-туйғу, кечинмалар билан боғлиқ, ҳал қилиниши қийин бўлган қарама-қаршиликлардир” .

“ижтимоий тўқнашув – мақом, ҳокимият ёки чекланган ресурсларга даъвогарлар ўртасида кечадиган кураш бўлиб, унда низолашувчи тарафлар нафақат кўзланган мақсадга эришишни, балки рақибни зарарсизлантириш, зарар етказиш ёки йўқ қилишни кўзлайдилар” .

“ижтимоий тўқнашув – ижтимоий манфаатлар, мақсадлар, ривожланиш тенденцияларидаги қарама-қаршилик ёки сезиларли фарқ туфайли турли хил ижтимоий

гуруҳлар, ижтимоий институтлар ўртасидаги зиддиятларда намоён бўладиган экстремал, энг авж нуктага чиққан ҳолатдир” .

“ижтимоий тўқнашув – бу томонлар ҳудуд ёки ресурсларни эгаллашга интиладиган қарама-қаршилик бўлиб, унда муҳолифат аъзолари ёки гууҳлари, уларнинг мол-мулки ёки маданиятига таҳдид юзага келади ва кураш ҳужум ёки мудофаа шаклига ўтади” .

Шундай қилиб, кўпинча тўқнашув ўзларининг мақсадларини рўёбга чиқариш учун кучли ҳиссий кечинмалар билан бўялган, фаол ва ўзаро муҳолиф ҳаракатлар сифатида баҳоланади. Лекин ижтимоий тўқнашув – икки ёки ундан ортиқ субъектлар ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа иштирокчиларининг ўзаро мос келмайдиган эҳтиёжлари, манфаатлари ва қадриятлари ўртасидаги очиқ қарама-қаршиликдир.

Муҳолифлар шунингдек ижтимоий мавқеига кўра фарқланади – жамиятда инсон ёки гуруҳнинг умумий позицияси маълум ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўплами билан боғлиқ.

Низолашаётганларнинг сифатий таркибини билиб олиш учун улар амал қиладиган ҳулқ-атвор, руҳиятларининг ўзига хосликлари, ахлоқий ва ижтимоий меъёрларига эътибор бериш керак.

Гуруҳларни комплекс ўрганишда низолашаётган тарафлардаги оддий аъзоларга ҳам, улардаги екакчиларга нисбатан ҳам ушбу ёндашувни қўллаш лозим. К. Боулдинг шу муносабат билан гомоген (бир хил таркибли) ва гетероген (турли хил таркибли) гуруҳларни ўзаро фарқлайди . Гомоген гуруҳ ўзаро ички алоқадорлик ва бирдамлик, жипсликнинг юқори даражаси билан ажралиб туради. Гуруҳдаги гетероген таркиб эса можаро ўткирлигининг пасайишига, унинг юмшашига олиб келади.

Ижтимоий зиддиятлар ечимини топиш йўлида муайян қадамлар қўйиш зарурлигини англаш жараёни мураккаб феномен бўлиб, кўпинча муаммоли вазият субъектив, яъни бир томонлама, ноҳолис идрок қилинади. Воқеликнинг субъектив инъикоси сабаби нафақат руҳият табиати, балки иштирокчилар ўртасидаги социал тафовутлар билан ҳам боғлиқ. Бу тафовутлар ижтимоий қадриятлар, мўлжаллар, ғоя ва манфаатларда кўзга ташланади.

Воқеликни идрок этишдаги индивидуаллик сабаби жараён қатнашчиларининг билим даражаси, эҳтиёжлари ва бошқа ўзига хосликларидаги тафовутларга ҳам бориб тақалади. Вазият қанчалик мураккаб бўлса, шунчалик тез ривожланади, ўз-ўзидан рақибларнинг воқеликни нотўғри, ғайритабиий тасаввур этишлари эҳтимоли кучаяди.

Инцидент – томонларнинг биринчи бор тўқнашуви, кучларнинг синовдан ўтказилиши, куч воситасида масалани ўз фойдасига ҳал қилиш учун қилинган уринишдир. Агар инцидент жараёнида тарафлардан бири куч-қудрати кўплигини амалда кўрсата олса, низо катта можарога айланмай, ўз ниҳоясига етиши мумкин.

Эскаляциянинг бошланишида рақиблар ўртасида кураш кескин авж олиб кетади. Кучга таянган ҳаракатлар қисмида иккала тараф ҳам катъият ва босим ўтказиш билан вазиятни ўз фойдаларига ўзгартиришга ҳаракат қиладилар. Чунки бу даврда тарафлардан ҳеч бири ихтиёрий равишда ён беришни асло истамайдилар. Душманлик эҳтирослари кучайганда бошқага образига нафрат тиғи шундай йўналтириладики, энди субъект ўз “душмани”нинг тафаккури, ҳислари, аҳволи инобатга олинмайди. Масалага “оқ-қора” нуқтаи назаридан ёндашилади.

Кульминация, яъни можаронинг энг авж олган палласида рақибга қўйилган айблар ва гўё адолат ўз тарафида эканлиги тўғрисидаги баҳолар мутлақлаштирилади. Шу тариқа рақиблар бир-бирларини инсонийликдан мутлақо маҳрум жонзот деб ҳисоблай бошлайдилар.

Можародан кейинги давр можаро оқибатлари ва рақиблар муносабатларининг қисман ёки тўла нормаллашувидан иборат икки босқичга бўлинади. Можаро давридаги салбий эмоциялар бутунлай йўқолмаган бўлса муносабатларнинг қисман нормаллашуви рўй беради. Қайғу-ҳасратли оғир кечинмалар, ўз нуқтаи назарини қайта ўйлаб кўриш бу даврга хос хусусиялардир. Рақибга нисбатан муносабат, унга нисбатан қўйилган иддао-талаблар, ўз-ўзини баҳолашдаги коррекция – юқоридаги хусусиятлар жумласидандир. Можаро давридаги ўз хатти-ҳаракатлари учун айбдорлик ҳиссини туйиш кучаяди. Аммо бири-бирини баҳолашга нисбатан сақланиб қолган эски хотиралар муносабатларни дарҳол нормаллаштиришга имкон бермайди. Томонлар бундан кейин соғлом, конструктив муносабатларни ўрнатиш зарурлигини англашлари биланоқ муносабатларнинг тўлиқ нормаллашуви бошланади. Ўртада ўзаро ишончнинг қарор топиши ҳам шунга имконият яратади.

Мавжуд тажриба можаро давомийлиги билан унинг натижалари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини кўрсатмоқда. Тез ўтиб кетувчи можароларда одатда раҳбарлар ўз мақсадларига эришадилар. Можаро қанча узоқ давом этса раҳбар учун ундан манфаат кўриш имконияти шунча пасаяди. Можаронинг узоққа чўзилиши ва бўйсинувчининг ундан манфаатдорлиги ўзаро тескари пропорционалдир.

- кўламига кўра (маҳаллий, минтақавий, давлатлараро, глобал, микро-, К. Левин мотивацион зиддиятларга (камчилик ўз ишдан мамнун, кўпчилик ўзларига ишонмайдилар, стрессни бошдан кечиришади, ишда ҳаддан ташқари кўп вақт ўтказадилар) кўп жиҳатдан ички зиддиятларни киритади . Л.Берковиц, М.Дойч, Д.Маерс мотивацион зиддиятларни гуруҳники деб таърифлайдилар . Когнитив зиддиятлар адабиётда ҳам ички, ҳам гуруҳлараро қарама-қаршиликлар нуқтаи назаридан тавсифланади. Шу асосда ижтимоий

зиддият жамиятни бошқариш учун ишлатилиши мумкин бўлган назарий ва амалий қўлланмаларни ишлаб чиқади ҳамда илмий нуқтаи назардан унинг қонун ва категорияларини аниқлашни тақозо этади.

Дунёдаги барча воқеа-ҳодиса ва нарсалар ривожланишининг манбаи ва сабаби қарама-қаршиликлардир. Табиат, жамият ва онгдаги қарама-қаршиликлар – табиий ва ижтимоий жараёнлар ривожда асосий манба ва сабабдир. Диалетиканинг энг муҳим қонуни – қарама-қаршиликлар бирлиги ва ўзаро қураши қонуни яққанинг қарама-қарши тарафларга, яъни иккига бўлиниши сифатида талқин қилинади. Бўлинган қарама-қарши томонлар ўртасида кечадиган тўхтовсиз қураш бутун оламдаги тараққиётнинг манбаси, сабабидир. Қарама-қаршиликлардан туғилувчи “қураш” тушунчаси эса можаро-низо-тўқнашув муаммоси билан узвий боғлиқ. Қарама-қаршиликлар табиий, ижтимоий ва маънавий турларга бўлинади. Қарма-қаршиликларни таҳлил қилиш ижтимоий низоларнинг жамиятдаги ролини тушуниб олишга имкон беради. Бироқ, кўпгина тадқиқотчилар можароларни ўрганишда уни қарама-қаршиликлар билан боғлашни рад этадилар. Масалан, инглиз социологи Э. Гидденс “зиддият” деганда мен томонлар фойдаланадиган қураш манбаси, восита ва усулларидан катъи назар аниқ қурашни тушунаман. Можародан фарқли ўлароқ қарама-қаршилик тушунчаси муайян тузилмага хос. Бу иккала тушунча бир-бирига яқин, чунки қарама-қаршилик ижтимоий тизимнинг заиф бўғинини ифодалайди”, деб ёзади .

Ижтимоий зиддиятларни ички ва ташқи, бош ва иккинчи даражали, муҳим ва номуҳим, антагонистик ва ноантагонистик каби турларга бўлиш мумкин. Ички зиддиятлар бир ҳодисадаги қарама-қарши томонлар туфайли, ташқи зиддиятлар эса турли ҳодиса-жараёнларнинг ўзаро зид тарафлари сабабли келиб чиқади. Ички зиддиятлар воқеа-ҳодисалар ривожда ҳал қилувчи, ташқи зиддиятлар эса тасодифий аҳамиятга эга бўлади. Одатда ташқи зиддиятлар ички зиддиятлар оқибатида келиб чиқади ва тирик организм, мамлакат, маданият ва бошқаларнинг тараққийси ёки ҳалокатига олиб келади.

Антагонистик зиддиятлар социал бирликлар (синфлар, миллатлар), интимоий институтлар (оила, таълим тизими), ижтимоий ташкилотлар (армия, фан, черков ва ҳоказоларлар ўртасида манфаатлардаги ихтилофлар туфайли келиб чиқади. Давлат ва жинойатчилик, аҳоли ва наркомафия ўртасидаги зиддиятлар ҳам шундайдир.

Ноантагонистик зиддиятлар эса ижтимоий бирликлар, ижтимоий институтлар ва ижтимоий ташкилотлар ўртасидаги зиддиятлар бўлиб, улардаги субъектлар манфаатлари ўзаро бир-бирига мувофиқ келади. Шунингдек, ота-оналар ва фарзанлар, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги зиддиятлар ҳам ноантагонистик саналади.

Ижтимоий зиддиятларнинг тарафларида қуйидаги ижтимоий субъектларни кўрамиз:

- ижтимоий бирликлар (шахтёрлар, деҳқонлар, зиёлилар);
- ижтимоий институтлар (оила, таълим, ишлаб чиқариш);
- ижтимоий ташкилотлар (ижтимоий партиялар, касаба уюшмалари, давлат органлари)
- миллатлар, жамиятлар, цивилизациялар.

Қайд этиш лозимки, ижтимоий зиддиятларнинг пайдо бўлиш босқичига ўз манфаат ва хатти-ҳаракатларини англай ҳолати ҳосдир. Бунда субъект бошқалар манфаатларига зарар етказаётганини гоҳо англаши, гоҳо англамаслиги ҳам мумкин. Агар англаса, демак субъект бошқа субъектлар манфаатларига зарар етказиб бўлса-да ўз манфаати учун онгли равишда ижтимоий зиддиятни келтириб чиқариш йўлидан бораётган бўлади. Бунда ўз рақибларига нисбатан душманлик, ўз иттифоқчиларига нисбатан эса хайрихоҳлик туйғулари анланади. Иккинчи ҳолатда эса зиддият стихияли бўлиб, унда субъект бошқалар манфаатларига зарар етказаётганини англамаган тарзда, шунчаки ўз манфаатларини қондириш учун ҳаракат қилаётган бўлади. Турли манфаатларга эга субъектлар манфаатлари ўзаро зидлигини турли даврларда ва турли даражада англаб оладилар.

Ижтимоий конфликтлар ижтимоий жараёнларга манба бўлиб хизмат қилади. Масалан, Э.Гидденс фикрича, зиддиятларнинг можароларга айланиши манфаатларнинг ўзаро зидлигини ва субъектларнинг шунга мувофиқ хатти-ҳаракат мотивациясини англаб олиши учун зарурдир. Унингча, томонлар ўз манфаатлари ўзаро зидлигини англаб етмагунларича можаро бошланмайди. Шу нуқтаи назардан ижтимоий зиддиятларни ижтимоий можароларнинг негизи, дастлабки шарт, замини деб ҳисоблаш мумкин.

Бироқ, ижтимоий можаро пайдо бўлиш, ривожланиш ва ечим жараёнларидан иборат бўлганлиги боис, уни ижтимоий зиддиятларнинг тарафи деб эмас, балки бир қисми деб қарашади. Масалан, А.Г. Спиркин можарони зиддиятнинг охириги даражаси, чўққиси деб ҳисоблайди. Бироқ ижтимоий можаронинг яширин даврини тўғри таҳлил қилиш уни башорат қилиш ва олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Амалий нуқтаи назардан, муносабатларни тартибга солиш муаммоси хатти-ҳаракатларнинг стереотипларини ўзгартириш вазифаси сифатида шаклланади. Г.М.Андреевнинг фикрича, битта – деструктив бўлганни кўпроқ конструктив ҳисобланган бошқаси билан алмаштирилиши керак.

Бугун миллатлараро зиддиятларни ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан ҳал этиш жаҳон халқларини, айниқса полиэтник давлатларни безовта қилаётган глобал

муаммолардан биридир. Айрим давлатларда миллатлараро муносабатлардаги зиддиятлар узок йиллардан буён давом этиб келмоқда. Жумладан, Англияда Ольстер, Францияда Корсика, Испанияда Каталония, Италияда Жанубий Тиролия, Бельгияда Фламандия, Хитойда Уйғур автоном тумани ва Тибет, Болгарияда турклар, Туркияда курдлар миллий низоларга, ижтимоий-ижтимоий тўқнашувларга сабаб бўлиб келади. Собиқ СССРнинг тарқалиши билан унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил давлатларда, айниқса тоталитар тузум тазйиқи остида бўлган Югославия, Руминия, Венгрия, Чехословакияда миллатлараро тўқнашувлар авж олди. Ҳаттоки, энг ривожланган АҚШдек давлатда ҳам миллий-этник муаммолар мутлақ ҳал этилмаган. Этнос бу – бир географик иқлим шароитида яшаган кишилар жамоасидир. Миллат эса – ижтимоий-тарихий вазият туфайли маълум бир ҳудудда узок вақт бирга яшаган ва ўз ижтимоий давлатчилигини шакллантириши натижасида, турмуш тарзи, урф-одатлари, кадриятлари, тили, маданияти, эътиқоди умумий бир бўлган одамларнинг катта жамоасидир.

Миллий – этник зиддиятлар ўзининг узок тарихига эга. Унинг кичик кўриниши қадимги даврдаги қабила ва уруғлар ўртасидаги зиддиятлар бўлиб у унчалик даражада ҳалокатли эмас дейиш мумкин. Ҳозирги пайтдаги миллий-этник низолар нисбатан инсоният ва унинг келажаги учун анча хатарлироқдир. Чунки ҳозирда ўртача энг кичик миллат беш юз миндан бошланади ва энг катталари миллиарддан ошиб кетади ҳамда улар ўзига хос замонавий қирғин қуролларга эга эканлигини инобатга олсак унинг қай даражада эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Унданда даҳшатлиси, миллий-этник зиддиятларни ўз ичига олувчи динлараро ва конфессиялараро зиддиятлардир. Ушбу зиддиятлар бошқаларига нисбатан кенг кўламлиги, шафқатсизлиги, кўп қурбонлар бўлиши, узок вақт давом этиши мумкинлиги билан бошқаларидан кескин ажралиб туради. Этно-миллий зиддиятлар кўпқиррали масалалардан бири бўлганлиги сабабли илмий адабиётларда муаллифлар турли хил нуқтаи-назарларни илгари сурганлар. Хатто уларнинг айримлари бир-бирига қарама қарши фикрлардан иборатдир. Уларда муаллифлар ўзларининг дунёқарашларидан келиб чиқиб миллатларнинг табиати ва уларнинг мавжудлигига ўзларича баҳо берганлар. Масалан, бир пайтлар миллий ҳаракатнинг раҳбарларидан бири бўлган Ливия раҳбари М.Каддафи “Миллий бирликни ташкил этувчи ва сақлаб турувчи асос бу – миллий ўзликни англашдир” деб ёзган эди. Дарҳақиқат миллат бирлигининг асосини кўпроқ миллий ўзликни англаш ва ягона динга эътиқод ташкил этади.

Миллатлараро зиддиятлар табиати бир жамятда яшаётган турли хил миллатларнинг ўзаро ижтимоий-ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий маданий ва ўзаро кўп

киррали алоқаларининг қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқ . Миллий манфаатларнинг камситилиши фақатгина ижтимоий соҳадагина эмас балки кундалик ҳаётнинг турли хил соҳаларида бўлиши мумкин. Турли хил миллатлар ўртасида хатто кичик бир англашилмовчилик орқали бўлсада юзага келган зиддият аста-секинлик билан кенгайиб катта масштабга айланиб кетиши эҳтимоли мавжуд. Миллий ҳаракатларнинг маънавий асоси бу – миллий ўзликни сақлаб қолиш ва англаш учун шакллантириладиган миллий ғоялардир. Миллий ўзликни англаш кўпчилик ҳолларда миллатчиликни ўзида мужассамлаштиради. Ўзида миллатчилик белгиларини намоён қилувчи миллий ғоя аниқ бир миллатнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига хизмат қилади. Ўтмишга назар ташласак миллатчиликнинг турли хил кўринишларини кузатиш мумкин. Масалан, Ҳиндистонда миллатчилик уч диний жамоа кўринишида намоён бўлган. Унга Дж.Неру шундай баҳо берган: “Ҳиндистондаги “ҳақиқий” миллатчилик бошқаларидан шу жиҳати билан фарқ қиладики, унда кичик жамоанинг манфаатлари ва позицияси эмас, балки кўпчилик ҳинд аҳолисининг руҳий ҳолати ва ҳуқ-атвори намоён бўлди” . XX асрнинг 80-йиллар охири 90-йиллар бошида совет жамиятида этномиллий зиддиятлар икки хил кўринишда намоён бўлди. Биринчиси букўпмиллатли совет давлатида асосий ҳукмрон миллат ҳисобланган руслар билан номигагина бўлсада ўз давлатчилигига эга бўлган иттифоқдош 15 та республиканинг маҳаллий миллатлари ўртасидаги зиддиятлардир. Иккинчиси, собиқ иттифоқдош республикалар ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг маҳаллий миллат вакиллари ҳамда рус тилида сўзлашувчи ва бошқа камчиликни ташкил этувчи миллатлар ўртасидаги зиддиятлардир. “Бу турдаги зиддиятларни асосан ўз мустақил миллий давлатчилигини шакллантиришга бўлган интилиш ташкил этади. Уларда миллий давлатчиликни қуриш ғоясининг ижтимоий-ижтимоий моҳияти Марказнинг тоталитар бюрократик диктатурасидан ва руслар таъсиридан ҳоли бўлиш орқали ўзларининг мустақил демократик давлатчилигини шакллантиришда намоён бўлди. Марказдан узоқлашиш ва ўз давлатчилигини қуришга бўлган курашнинг тезлашиб кетишига сабаб бўлган омиллар бу турли хил миллатга, динга, урфодатларга, тилга мансуб халқларнинг зўравонлик, бир миллат ҳукмронлиги остида зўрлаб иттифоққа бирлаштирилганлигидир. Бугунги кунда жаҳонда миллатлараро муносабатларда бир-бирига қарама-қарши икки тенденцияни кузатиш мумкин. Бир мустақилликка интилиш ва иккинчиси жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш. Улар жамиятда турли хил кўринишда намоён бўлмоқда. Бир ҳолатда миллатларнинг маълум бир мақсадга эришиши учун интеграциялашуви кузатилса, иккинчисида эса алоҳидаликка интилиши натижасида юзага келаётган миллатлараро зиддиятлардир. Ҳар қандай кўпмиллатли давлатда миллатлараро

муносабатлар ҳолати мамлакатнинг ички хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорлигини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ислоҳотлар даврида айниқса, бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтаётган даврда кўпмиллатли давлатларда миллий мансубликнинг турли туманлиги жамиятнинг ижтимоий йўналиши ва ижтимоий жараёнларини тезлаштирувчи ёқисекинлаштирувчи хатто, уни парчалаб юборувчи омиллардан бирига айланиши мумкин. “Бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари тақдим этган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ва ижтимоий соҳада, илм-фан ва маданият соҳаларида самарали меҳнат қилиб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, республиканинг халқаро майдондаги обрўётибори ва имижини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар”. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кундаги яна бир муҳим вазифа мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ғоясининг доимий устувор бўлишини таъминлаш билан боғлиқ. Ўзбекистонда политеизм қарор топган, аҳолининг 95 фоиздан ортиғи ислом динига, қолганлари бошқа динларга эътиқод қилади. Бизнинг мамлакатимиз азал-азалдан қадимий динлар ривож топган макон сифатида дунё цивилизацияси тарихида алоҳида мавқега эга. Бу муборақ заминда бизнинг аждодларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан қараганлар, мана шу юрт озодлиги йўлида улар билан бирга кураш олиб боргани, елкадош бўлиб меҳнат қилганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Хулоса қилиб айтганда, кўпмиллатли жамиятларда барча миллат ва этник гуруҳлар манфаатлари қондирилиши адолатли ташкил этилган бўлса, айниқса, улар ўртасида ҳуқуқий тенглик мамлакатнинг бош қомуси бўлган конституцияси ва қонунларида ўз аксини топган ва амалиётга тадбиқ этилган бўлса, давлатда миллатлараро можаролар келиб чиқишининг эҳтимоли камаяди. Бу ўз навбатида жамиятнинг барқарор ривожланишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Луғатларда “зиддият” атамаси конфликт, низо, ихтилоф, жанжал, можаро, тўқнашув маъносида учрайди. – Ш.Ш.Ҳ.
2. Дарендорф Р. Элементы теории социального конфликта (рус.) // Социологические исследования. — 1994. — № 5. — С. 142-147.
3. Здравомыслов А.Г. Социология конфликта. М.: Аспект Пресс, 1996. — 261 с.
4. Анцупов А.Я., Шипилов А.И. А74. Конфликтология: Учебник для вузов. — М.: ЮНИТИ, 2000. - 551 с.

5. Микадзе Ю. В., другие в. . Психологический словарь. Под ред. В.В.Давыдова, А.В.Запорожца, Б.Ф.Ломова и др. — Педагогика Науч.-исслед.ин-т общей и педагогической психологии Акад.пед.наук СССР, Москва, 1983. — 448 с.
6. Козер Л. А. Функции социального конфликта / Пер. с англ. О. Назаровой; Под общ. ред. Л. Г. Ионина. — Москва: Дом интеллектуальной книги: Идея-пресс, 2000. — 295 с.
7. Социологический словарь / [Сост. А. Н. Елсуков, К. В. Шульга]. - 2-е изд., перераб. и доп. - Минск : Университетское, 1991. - 528 с
8. Дмитриев А.В. Конфликтология. Учебное пособие. — М.: Гардарики, 2000. — 320 с.
9. Боулдинг К. Общая теория систем скелет науки // Исследования по общей теории систем. М.: Прогресс, 1969. С. 106-124.
10. Левин, К. Типы конфликтов. Москва//Психология личности :тексты ред. Ю.Б.Гиппенрейтер, А.А. Пузырей. – Москва : Издательство Московского университета, 1982. – С. 93-96.
11. Конфликтология: Учеб. пособие для студ. вузов. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2011
12. Guldens A. The constitution of society. Cambridge: Polity Press, 1989. P. 198—199.
13. Спиркин, А.Г. Основы философии / А.Г. Спиркин М.: Политиздат, 1988.- 592 с.
14. Thomas K. W, Kilmann R. H. Thomas-Kilmann Conflict Mode Instrument, 1974. URL: [http://www.umt.edu/mansfield/twowayexchange/Thomas Kilmann Conflict Styles.pdf](http://www.umt.edu/mansfield/twowayexchange/Thomas%20Kilman%20Conflict%20Styles.pdf).
15. Андреева Г. М. Социальная психология: Учебник для высших учебных заведений. М., 1994.
16. Аль-Каддафи М. Зеленая книга, часть третья. Общественный аспект третьей Всемирной теории.
17. Мусаев О. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Тошкент. “Им-зиюзаконат” 2021. – 87 б.
18. Дж.Неру Взгляд на всемирную историю. М., 1981. Т.2.С.441.
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <https://xs.uz/uzkr/post/millatlararo-munosabatlar-sohasida-ozbekiston-respublikasidavlat-siyosati-kontseptsiyasini-tasdiqlash-togrisida>.